
**12.00.09 УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА,
ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА**

Кадирова Мохигул Хамитовна,

Тошкент давлат юридик университети
Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва
криминалистика кафедраси доцент в.б.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-8-1>

**КОМПЬЮТЕР ТИЗИМИНИНГ АППАРАТ ВА ДАСТУРИЙ
ТАЪМИНОТИНИ ДАСТЛАБКИ ЎРГАНИШ ҲАМДА СУД
ЭКСПЕРТИЗАСИ**

Аннотация: Мақолада ахборот технологиялари тушунчаси ва аҳамияти, ахборотдан фойдаланиш шакллари, жиноятларга қарши қурашишда электрон алоқа тармоқлари ва хизматлари, суд экспертизасининг ўрни таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ахборот, далил, экспертиза.

Кадирова Мохигул Хамитовна,

и.о.доцента кафедры
Уголовно-процессуального права
и криминалистики Ташкентского
государственного юридического университета

**ПРОИЗВОДСТВО СУДЕБНЫХ ЭКСПЕРТИЗ И
ПРЕДВАРИТЕЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ АППАРАТНЫХ И
ПРОГРАММНЫХ СРЕДСТВ КОМПЬЮТЕРНОЙ СИСТЕМЫ**

Аннотация: в статье анализируются понятие и значение информационных технологий, формы использования информации, роль судебных экспертиз, сетей и услуг электронной связи в борьбе с преступлениями.

Ключевые слова: информация, доказательство, экспертиза.

Kadirova Mokhigul Khamitovna,

Acting associate professor of the Department
of Criminal Procedure Law and Criminalistics
of the Tashkent State University of Law

**PRODUCTION OF JUDICIAL EXPERTISE AND PRELIMINARY
RESEARCHES OF HARDWARE AND SOFTWARE MEANS OF
THE COMPUTER SYSTEM**

Annotation: In the article analyzed the definition and importance of information technologies, forms of using information, the role of judicial expertise, electronic communication networks and services in fighting against crimes.

Key words: information, evidence, expertise.

Дунё миқёсида компьютер технологияларининг жадал суръатлар билан такомиллашиб бориши бу борада содир этилаётган жиноятларнинг сони ва сифатини ошишига замин яратади. Бугун миллионлаб инсонлар интернет ва бошқа коммуникация воситаларининг фаол фойдаланувчилари саналиб, уларни глобал интернет тармоғи орқали қўйилган тузоқлардан ҳимоя қилиш давр талаби. Ҳозирда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар аксарият ҳолларда оддий компьютер техникаси ёрдамида махсус дастурий таъминот орқали коммуникация тармоқларига уланиш йўли билан содир этилмоқда[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги

ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида ҳам судга қадар ва суд босқичида экспертиза ўтказиш ва тафтиш қилишнинг аниқ мезон ҳамда тартиб-таомилларини жорий этиш, суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш вазифалари белгиланган[2].

Ҳозирда аксарият маълумотларни ахборот-коммуникация технологиялари, электрон ёхуд рақамли алоқалар воситасида қабул қилиш, нусха кўчириш, масофавий алмашиш ва сақлашнинг кенг имкониятлари мавжуд. Бунда компьютер, ноутбук, планшет, электрон ташувчи мосламалар (компакт ва қаттиқ дисклар, USB флеш ва б.), интернет, IP-адреслар ёки "mail"лар маълумотлар манбаси сифатида майдонга келади. Аммо, суд-тергов фаолиятида компьютер тизимининг аппарат ва дастурий таъминотини, электрон ташувчи мосламаларни аниқлаш, кўздан кечириш, олиб қўйиш, қайд этиш ва ўрганиш ҳамда бу борадаги суд экспертизасини ўтказиш махсус билимларни талаб этади. Негаки, ундаги маълумотлар шакли ва манбасидан қатъий назар, ёзма ҳужжатга тенглаштирилган[3] бўлиб, ушбу ташувчи мосламалар эса ашёвий далил ҳисобланади[4].

Суд компьютер-технологик экспертизаси судга қадар ва суд босқичида ҳам тайинланиши мумкин. Бу турдаги экспертизадан ахборот технологиялари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни фош этиш, шунингдек фуқаролик суд ишларини юритишда ҳам фойдаланилади.

Ушбу экспертизанинг асосий мақсади - ахборот технологияларидан фойдаланувчининг шахси, ахборотлар алмашинуви, қилмиш ва унинг оқибати ўртасидаги ўзаро алоқадорлиги тўғрисидаги аниқ маълумотлар олишдан иборат. Экспертизани ўтказиш ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга хос муҳим рақамли маълумотларни тўплаш, ўрганилаётган объектнинг технологик хусусиятларини аниқлашга хизмат қилади ва ҳозирда унинг қуйидаги турлари таснифланади:

-
-
1. Компьютер-дастурлаш экспертизаси.
 2. Компьютер-тармоқ экспертизаси.
 3. Компьютер-ахборот экспертизаси.
 4. Компьютер-техникавий экспертиза[5].

Компьютер-дастурлаш экспертизаси натижасида дастурий таъминот аниқланади ва у тергов ва суд амалиётида қуйидаги саволларга жавоб топишда дастурул амал бўлиб хизмат қилади:

- дастурий таъминот тўпламлари;
- рухсат ва таъқиқнинг ҳимояланганлиги;
- функционал муаммонинг яратилганлиги;
- дастурий маҳсулотнинг ягона алгоритми;
- контрафакт маҳсулот хусусиятининг мавжудлиги;
- лойиҳалар тадқиқотида ускуналардан фойдаланилганлиги;
- ахборот ташиш мосламаларида бошланғич матнларнинг мавжудлиги;
- дастур тури, номи.

Компьютер-тармоқ экспертизаси - ахборот технологиялари жараёнида иштирок этаётган қурилмаларнинг кўп функциявий лаёқатини ўрғанади. Бу экспертизани ўтказишда қуйидаги саволларга жавоб топилади:

- жаҳон тармоғида дастурий таъминланганлиги;
- юборилган ва қабул қилинган хабарлар;
- тармоқ хусусиятлари, ўрни ва аҳамияти;
- дастурий манзил (закладка);
- ташқи компьютер учун киришнинг таъқиқланганлиги;
- дастлабки ҳолати;
- маълумотлар кўриниши;
- узлуксизлиги;
- тармоқдаги фаолият;
- дастлабки шакл (конфигурация)га киритилган ўзгартишлар;
- қўлланилган мослама ва унсурлар;
- иловалар;
- жами фойдаланувчилар.

Компьютер-ахборот экспертизаси - энг кўп тайинланадиган экспертиза бўлиб, бир қанча саволларни ҳал этишга ёрдам беради ва компьютер тизимидаги маълумотларни излаш ва таҳлил этишни қамраб олади.

Ушбу экспертиза ёрдамида қуйидаги ахборотларга эга бўлинади:

- ахборотни ёзиб олиш тури;
- истеъмол хусусияти;
- маълумотларга рухсат;
- тадқиқ этилаётган факторнинг аниқланиши;
- маълумотлар тури;
- фойдаланувчи ҳақидаги маълумот;
- ҳимоянинг ўзига хос хусусиятлари;
- дастлабки маълумотлар;

-
-
- маълумотлар жойлашуви;
 - маълумотларнинг ўчирилганлиги, кўчирилганлиги ва турфа хиллиги;
 - тақиқланган киришга суиқасд;
 - файлларнинг хронологик кетма-кетликдаги ҳаракати;
 - аниқланган ахборотнинг хусусияти;
 - эксплуатация қилишнинг асосий қоидаларига риоя этилганлиги;
 - сақланган файллар;
 - маълумотлар хусусияти;
 - маълумотларнинг амалдаги ҳолати;
 - маълумотнинг бутунлигига дахл этилганлиги;
 - маълумот ташувчига киритилган ўзгаришлар.

Компьютер-техникавий экспертиза[6]нинг асосий мақсади компьютер-техник қурилмаларни ташхислаш ҳамда балансдан чиқарилган техникаларни тадқиқ этишдан иборат. Мазкур экспертизада қуйидагилар ҳал этилади:

- қурилманинг компьютер эканлигини аниқлаш;
- ҳолат ва фойдаланишнинг хронологик тартиби;
- шикастларнинг мавжудлиги;
- техникавий таркиби;
- турдош хусусиятларининг фарқлари;
- русуми;
- киритилган иш тартиби;
- компьютер тизимидаги аҳамияти.

Ҳозирда замонавий экспертизанинг яна бир тури компьютер-рақамли экспертиза мавжуд бўлиб, у рақамли ҳисоблашга асосланган:

- компьютер;
- принтер;
- сканер;
- фотоаппарат;
- уяли телефон;
- GPS навигатор;
- ахборот ташувчи мослама;

фискал хотирали касса аппаратлари билан боғлиқ маълумотларни аниқлаш, тўплаш, текшириш ҳамда баҳолашга хизмат қилади. Ушбу экспертизалар якунида хулоса тузилиб, унда топилган маълумот тасифи ва ўзига хослиги (аниқланган нуқсон ва бошқа маълумотлар) баён этилади.

Одатда, компьютер тизимининг аппарат ва дастурий таъминотини дастлабки ўрганишда, экспертиза учун намуналар олинаётганда, эҳтиёткорлик талаб этилиб, маълумотлардан нусха кўчиришда унинг ўзгариши ёки йўқолишининг олди олиниши лозим. Акс ҳолда, маълумот нусхаси эмас, асли олинади. Бунда ахборот ташувчи мослама олинганлиги тўғрисида тегшли тартибда баённома расмийлаштирилади[7]. Башарти маълумотлар компьютерда бўлса, ундаги маълумотлар турғун криптографик алгоритм асосида шифрланган бўлиб, экспертиза учун олиб қўйишни ҳамда

махсус калитдан фойдаланишни талаб этади. Хусусан, Интернет ва бошқа алоқа воситалари орқали жиноят содир этилганда, дастурий таъминотга бузиб кириш нуқтасининг амалда жойлашган ўрнини аниқлаш муҳим бўлиб, у якка компьютер ёхуд сервер платформасидаги бир неча компьютерлар тармоғи бўлиши мумкин. Шу боис, компьютернинг тизим блоки билан уланиш ҳолатини сифатли фотосуратга олиш ва баённомада аниқ расмийлаштириш зарур. Акс ҳолда текширув ҳеч қандай иш учун аҳамиятли маълумотни аниқлаб бера олмайди. Бунинг учун мутахассис ёки экспертни жалб этиш масаласи терговчи, суриштирувчи ёки суд учун муҳим вазифа саналади. Сабаби, ҳимояланган ахборотга ноқонуний кириш бир ҳудудда, унинг зарарли оқибати бошқа ҳудудда содир бўлганда, сайт бир ҳудудда жойлашиб, сайт ишлашини таъминлаб турган сервер бошқа ҳудудда жойлашганда маълумотларни тўғри расмийлаштириш, уларнинг қайси дастур натижаси эканлигини аниқлаш учун махсус билимга эга мутахассислар талаб этилади. Агар воқеа жойини кўздан кечиришда бир мутахассис, экспертиза тадқиқотини бошқа эксперт ўтказса, иш учун аҳамиятли маълумотларни олиш мураккаблашади. Шу боис, замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, воқеа жойини кўздан кечириш, олиб қўйиш, тинтув, экспертиза учун намуналар олиш тергов ҳаракатларига жалб этилган мутахассисни кейинчалик экспертиза ўтказишда эксперт сифатида жалб этиш зарур. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 69- ва 78-моддаларига биноан, тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун мутахассис чақирилади, ишда мутахассис сифатида иштирок этган шахс келгусида ушбу иш бўйича эксперт қилиб тайинланиши мумкин. Жумладан, ЖПКнинг 81-моддасида далилларнинг турлари таснифланган бўлиб, унга ахборот ва ахборот ташувчи мосламалар тушунчаларини ҳам киритиш; ЖПКнинг 90-моддасига асосан, маълумотлар, нарсалардан улар тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланиш мумкин экан, ушбу нормада техник ёки электрон воситалар ёрдамида тўпланган маълумотлар аниқланган ёки тақдим этилган тақдирда, дарҳол мутахассис иштирокида кўздан кечирилиши, олиб қўйилиши ва баённомада қайд этилиши лозимлигини ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Поляков В.В. Обстановка совершения преступлений в сфере компьютерной информации как элемент криминалистической характеристики // Известия Алтайского государственного университета. - 2013. -№ 2. - С. 114-116. (Polyakov V.V. the Situation of committing crimes in the field of computer information as an element of forensic characteristics. Izvestiya Altay state University. - 2013. -№ 2. - P. 114-116).

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 14 maydagi PQ-3723-son qarori. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan of may 14, 2018 № PP-3723).

3. O'zbekiston Respublikasining "Normativ-huquqiy hujjatlar to'g'risida"gi qonuni; O'zbekiston Respublikasining "Axborot erkinligi printsiipi va kafolatlari to'g'risida"gi qonuni. 12.12.2002 y (Law of the Republic of Uzbekistan "On normative legal acts"; Law of the Republic of Uzbekistan "On principles and guarantees of freedom of information". 12.12.2002).

4. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining "Jinoyat ishlari bo'yicha ashyoviy dalillarga oid qonunchilikni qo'llashning ayrim masalalari to'g'risida"gi qarori. 2012 yil 13 dekabr (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan "on certain issues of application of legislation on material evidence in criminal cases". December 13, 2012).

5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Sud-ekspertlik faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4125-son qarori 1-ilovasi (Annex 1 to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures for further improvement of forensic activities" № PP-4125).

6. Rossinskaya E.R., Usov A.I. Sudebnaya kompyuterno-texnicheskaya ekspertiza. -M., 2001. - P. 35-37 (Rossinskaya E. R. I. Valeev, Usov A. A. I. General provisions Judicial computer-technical expertise. - M.: In 2001. - P. 35-37).

7. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining "Dalillar maqbulligiga oid jinoyat-protsessual qonuni normalarini qo'llashning ayrim masalalari to'g'risida" qarori. 2018 yil 24 avgust (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan "on certain issues of application of the norms of the Criminal procedure law on the admissibility of evidence". August 24, 2018).